

# КАДИМГИ БУХОРО ЖУЙБОР ХОЖАЛАРИ -НАКШБАНДИЯ ТАРИКАТИНИНГ ВАКИЛЛАРИ

Зокирова Ряно Исломовна  
Бухора Исломшунослик институти

## ANCIENT BUKHARA JUYBAR KHOJALS - REPRESENTATIVES OF THE NAKSHBANDI TARIKAT

Zokirova Rano Islamovna  
Bukhara Institute of Islamic Studies

### Анотатсия:

Мақолада Хожа Мухаммад Ислом Жуйборидек накшбандийлик тарикати буюк намоендининг 8000 дан ортик ноёб китоблари сакланган. Мадраса курилишида азалий анъанага риоя килинган.

### Kalit so'zlar:

Масжид, Жуйбор хожа, Ислом дини, кутубхона, ер-мулкка, "Шайхсиз империя йук".

### Annotation:

The article contains more than 8,000 unique books of a great representative of the Naqshbandi sect, such as Khoja Muhammad Islam Juibor. The construction of the madrasah followed the ancient tradition.

### Keywords:

Mosque, Juypor Khoja, Islam, library, property, "There is no empire without Sheikh".

Жуйбор шайхлари-накшбандийлик тарикатининг вакиллари. Уларнинг Жуйбор хожалари номини олиши Хожа Мухаммад Исломнинг бобоси Хожа Мухаммад Яхёнинг Бухородаги Жуйбор деган ерга кучиб келиши билан бөглигик. Жуйбор хожалари Ислом динини таргиб килиш учун Маккадан Нишопурга, ундан Бухорога келган ва узларини али (к.в) авлодлари деб хисоблашган. Жуйбор хожалари дан Абу Бакр Саъд ва унинг авлодлариiga сомонийлар даврида Бухоронинг шайх ул-исломи деган даража берилган. Абу Бакр Саъднинг невараси Мухаммад Ислом Жуйбор хожанинг иктисадий ва сиёсий жихатдан катта нуфузга эга булишида мухим урин тутган. У 16-асрнинг 50-йилларида Шайбонийлар давлатидаги тож-тахт учун булган курашларга аралашиб, уз муриди Абдуллахон II нинг тахтга чикишига ердам берган. Бу даврга келиб, Жуйбор хожага Бухородаги Сумитон кишлоги инъом этилган. Жуйбор хожанинг ота-боболари бухородаги Чор Бакр мозорига куйилганлиги учун 16-асрдан Жуйбор хожанинг бу жойдаги кабрлар устига хашаматли макбара куриб, зиератгохга айлантиришган. Бу зиератгохлар катта вакф ерларига эга булиб, уларга Жуйбор хожа меросхурлар тарикасида эгалик килишган ва бу ерлар Жуйбор хожа хужалигининг ривожланишига асос булиб хизмат килган. Жуйбор хожа катта ер-мулкка, юзлаб кулларга, куплаб чорва молларга, сугориш иншоотларига, савдо корхонларига эга булишган. Уларнинг савдо карвонлари 16-асрнинг 2-ярмидаек хориж билан савдо алоказлари олиб борган. Мустахкам иктисадий пойдеворга эга булган Жуйбор хожа Шайбонийлар давлатининг сиёсий хаётida жуда катта роль уйнаган. Инглиз сайехи А. Женкинсон 1559 йилда Бухорода булиб, бу ердаги рухонийларнинг раҳбари булган Жуйбор хожа хакида шундай деган эди: "Бухорода диний раҳбар бор. Унга киролга нисбтана қупрок кулок соладилар, у уз хохиши билан киролни урнидан олиб урнига бошқасини куя олади. " Жуйбор хожа 17-асрнинг

1-ярмида мамлакатда пайдо булган кийин сиесий вазиятдан сунг узларининг олдинги мавкеини йукотган. Маълумки, Фаргона водийси дунё тамадцунига катта хисса кушган куплаб буюк алломалар, олиму шоирлар ватанидир. Шундай буюк алломалардан бири XV аср охири, XVI аср бошларида яшаб утган Накшбандия тарикатининг йирик намоёндаси - хожа Ахмад ибн саййид Жамолуддин Косоний (1461-1542)дир. Махдуми Аъзам Косоний ёки Махдуми Аъзам Даҳбедий номи билан шухрат топтан бу уламо XVI асрда Мовароуннахрда Накшбандия тарикатига бошлиқ килган. Маълумки, диний уламо ва шайхларнинг сиёсий жараёнларга аралашуви урта асрларда шарқ ва гарб давлатлари учун одатий ходиса булиб, бу немис олими Флориан Шварц томонидан айтилган “Шайхсиз империя йук” ибораси билан ифода этилади<sup>1</sup>. Бу фикрнинг тасдиги сифатида Махдуми Аъзам ва унинг издошлари фаолиятининг сиёсий жараёнларда иштирокини мисол килиш мумкин. Мухаммад Қрзи (1516 в.э.) вафотидан сунг Накшбандия тарикатининг барча мовароуннахрлик вакиллари Махдуми Аъзамни “пешвойи тарикат” (тарикат пешвоси) сифатида эътироф этишди. Тез орада Махдуми Аъзамнинг шухрати бутун Мовароуннахр ва унинг атрофидаги кушни мамлакатларга ёйилди<sup>2</sup>. Махдуми Аъзамнинг издошлари, муриллари ва муҳлислари жуда куп булган.

Жуйбор хожалари ва уларнинг зурриетлари, асосан шахарнинг Жуйбор мавзесида истикомат килишган. Бу мавзенинг Хавзи нав гузарида 17-асрда Бухоро амири Абдуллазизхоннинг онаси уз маблаги билан масжид курдирган. Масжид рупарасида эса Жуйбор к.м. жойлашган. Мазкур мадраса Бухоро хукмдори Субхонкулихон даврида Хожа Саъдиддин ибн Хожа Абдурахим Жуйборнинг кизи Ойпошша бибининг меросий маблаги хисобидан курилган. Ойпошша биби солиха, фозила, такводор аел булган. Мадраса талабаларининг таъминоти Жуйбор шайхлари зиммасида булган. Шунингдек, мадраса кутубхонасида Хожа Мухаммад Ислом Жуйборидек накшбандийлик тарикати буюк намоендининг 8000 дан ортик ноёб китоблари сакланган. Мадраса курилишида азалий анъанага риоя килинган. Хашаматли пешток ичидаги дарвоза оркали миенсаройга кирилади. Чап кулда масжид, унг кулда эса томга чикиладиган пиллапоя ва хужралар тизилмаси. Мадраса бир каватли булиб, унинг 21 хужраси бор. Хозирда Жуйбори калон мадрасаси хотин-кизлар урта –максус ислом билим юрти булиб, уз фаолиятини 1992 йилнинг 1 сентябрдан бошлаган. Билим юрти талабаларига дуневий илмлар билан бир каторда Куръон, хадис, фикх, акоид, ислом тарихи, араб тили ва хаттотлик каби фанлардан сабок берилмоқда. Мадрасада 7000 дан ортик китоб захирасига эга булган ахборот-ресурс маркази, 70 уринли ошхона, дам олиш ва фан укув, маънавият-маърифат хамда компьютер хоналари, масжид ва кироатхонлар мавжуд. Бугунги кунда Жуйбори калон мадрасаси ва унинг олдидағи Жуйбор масжиdi тарихдан колган ноёб маданият хисобланади.

### **Фойдаланилган адабиетлар:**

1. Хоғиз Таниш Бухорий “Абдулланома”.
2. Большаков О.Г., История Халифата. Т.4.М.2010.
3. Идрис шоҳ.Накшбандия тарикати. Т.1993.
4. Вамбери Херман.Бухоро ехуд Мовароуннахр тарихи.Тошкент .1990
5. <sup>1</sup>Тураев X? Бухоро хонлигининг XVI - XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий хаётида Жуйбор хожаларининг тутган Урни.
6. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Тошкент, 2007;-Б.75.
7. Бобоҷонов Б. Махдуми Аъзам./ Маънавият юлдузлари./ Абдулла Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент, 1999 й.-Б.258.